



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 4 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 4

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 4



ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№4 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-4>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

Umarxonova Dildora Sharipxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodijjon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)

Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Abdullayev Jamshid Djamilovich

HAQ EVAZIGA XIZMAT KO'RSATISH SHARTNOMALARI TIZIMIDA TIBBIY XIZMAT DIAGNOSTIKA – TASHXIS QO'YISH BILAN BOG'LIQ SHARTNOMALARNING TUTGAN O'RNI.....5

2. Баходирова Нилуфар Зафар кизи

ФЕНОМЕН DATA-DRIVEN ЭКОНОМИКИ И ТРАНСФОРМАЦИЯ АНТИМОНОПОЛЬНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....12

3. Ibragimova Rayxon Shodmon qizi

FUQAROLIK PROTSESSIDA GUVONNING HUQUQIY MAQOMI VA O'RNI.....19

4. Курбанова Лолита Алишеровна

ОСОБЕННОСТИ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРИКОМАНДИРОВАНИЯ РАБОТНИКОВ В ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЯХ.....25

5. Po'latov Mirzohid Qo'zimurodovich

OLIY TA'LIM TASHKILOTLARIDA PEDAGOGLAR XODIMLARNI MAJBURIY TIBBIY KO'RIKDAN O'TKAZISHNING HUQUQIY MUAMMOLARI.....35

6. Abdulxoshimov Shoxruxbek Shuxratjon o'g'li

XODIMNI ISHDAN CHETLASHTIRISHDA HUQUQIY KAFOLATLAR VA PROTSESSUAL NIHOYA VOSITALARI.....44

7. Насритдинова Наргиза Шокиржоновна

АЙРИМ ҲОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА НОМУСТА ТЕГИШ УЧУН ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ.....51

8. Рапиқов Хурсанали Юлдошбоевич

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БЕЗОРИЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИ.....58

9. Sadullayev Jahongir Jamshedovich

SUN'IY INTELLEKT YORDAMIDA HUIJATLARNI SOXTALASHTIRISH: JINOYAT-HUQUQIY TAVSIF VA JAVOBGARLIK MASALALARI.....67

10. Musurmanov Bekzod Raximovich


TERGOV JARAYONIDA RAQAMLI (ELEKTRON) DALILLARNING NAZARIY TUSHUNCHALARI VA YURIDIK TABIATI.....75

11. Yusuvvalieva Rakhima Yusupovna, Amirkulova Parinamoi Behbud

LEGAL BASIS FOR THE PROTECTION OF MIGRANTS' RIGHTS IN THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....82

12. Бабаджанов Бахтиёр Бекович

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК, ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ.....89




12.00.08-УГОЛОВНОЕ ПРАВО. УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО

Насритдинова Наргиза Шокиржоновна,
 Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди судьяси
 E-mail: nargizanasridinova2@gmail.com

**АЙРИМ ҲОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА НОМУСГА ТЕГИШ УЧУН ЖИНОИЙ
 ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР
 ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ**

For citation: Nargiza Shokirjonovna Nasritdinova. LIMINAL LIABILITY FOR RAPE IN SOME FOREIGN COUNTRIES AND ITS PLACE IN THE SYSTEM OF CRIMES AGAINST SEXUAL FREEDOM. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 4.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20082344>

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада муаллиф томонидан номусга тегиш ва бошқа жинсий характердаги ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликнинг қиёсий таҳлилини тақдим этиш ва Ўзбекистон, Голландия, Испания ва Германия амалдаги қонунчилиги асосида ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарлик нормаларини такомиллаштириш йўллари бўйича илмий изланиш олиб борилган. Қиёсий таҳлил натижаларига кўра муаллиф томонидан миллий жиноят қонунчилигида қонун чиқарувчининг ёндашуви, биринчи навбатда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаши зарурлиги юзасидан илмий асослантилган хулосалар қилинади.

Калит сўзлар: номусга тегиш, пенетрация, аёл, жинсий алоқа, ҳаракатлар, зўрлик, қиёсий таҳлил.

Насритдинова Наргиза Шокиржоновна,
 Судья Наманганского городского суда по уголовным делам
 E-mail: nargizanasridinova2@gmail.com

**УГОЛОВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА ИЗНАСИЛОВАНИЕ В НЕКОТОРЫХ
 ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ И ЕЕ МЕСТО В СИСТЕМЕ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ПРОТИВ
 ПОЛОВОЙ СВОБОДЫ**

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье автор представляет сравнительный анализ уголовной ответственности за изнасилование и другие действия сексуального характера, а также проводит научное исследование путей совершенствования норм ответственности за этот вид преступлений на основе действующего законодательства Узбекистана, Нидерландов, Испании и Германии. На основе результатов сравнительного анализа автор делает научно обоснованные выводы о необходимости того, чтобы подход законодателя к национальному

уголовному законодательству был в первую очередь направлен на защиту прав несовершеннолетних.

Ключевые слова: изнасилование, пенетрация, женщина, половой акт, действия, насилие, сравнительный анализ.

Nargiza Shokirjonovna Nasritdinova,
Judge of the Namangan City Criminal Court
E-mail: nargizanasridinova2@gmail.com

CRIMINAL LIABILITY FOR RAPE IN SOME FOREIGN COUNTRIES AND ITS PLACE IN THE SYSTEM OF CRIMES AGAINST SEXUAL FREEDOM

ANNOTATION

In this research article, the author presents a comparative analysis of criminal liability for rape and other sexual acts, and conducts a scientific study of ways to improve liability standards for this type of crime based on the current legislation of Uzbekistan, the Netherlands, Spain, and Germany. Based on the results of the comparative analysis, the author draws scientifically substantiated conclusions about the need for legislators to prioritize the protection of the rights of minors in their approach to national criminal legislation.

Keywords: rape, penetration, woman, sexual intercourse, actions, violence, comparative analysis.

Ўзбекистонда асрлар давомида анъанавий равишда ривожланиб келган жинсий муносабатларнинг жиноят-ҳуқуқий ҳимояси номусга тегиш жинояти таркибида, аксарият ҳолларда аёл жинсидаги шахс жабрланувчи сифатида намоён бўлган. Жиноят кодексда ушбу жиноят таркибининг мавжудлиги жамият, давлатнинг эркак ва аёл ўртасидаги нормал табиий жинсий алоқаларни таъминлашга алоҳида ғамхўрлигидан далолат беради, бу энг муҳим кадрият инсоният, жамиятнинг мавжудлигини узайтиришдир.

Жинсий жиноятлар шахсга қарши жиноятлар орасида ўта хавфли характерга эга ҳисобланади. Қонун чиқарувчи бекорга бу жиноятларни оғир, унинг квалификация қилинадиган ҳолларларини эса ўта оғир жиноятлар жумласига киритган эмас [1].

Жиноят кодексининг Махсус қисми IV-бобида кўзда тутилган номусга тегиш натижасида, қонунда кўзда тутилмаган, аммо келиб чиқиши мумкин бўлган жиддий оқибатлар юз бериши мумкин, яъни исталмаган ҳомиладорлик, аборт, исталмаган болалар туғилиши [2].

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2023 йилдаги ЎРҚ-829-сон “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни [3] қабул қилиниши натижасида ЖК 118-модданинг матни янги тахрирда баён этилди, номусга тегиш учун жавобгарлик кучайтирилди, янги оғирлаштирувчи ҳолатлар жорий қилинди, хусусан ногиронлик белгисига эга эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга, яқин қариндошга, собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилганлик алоҳида жавобгарликка сабаб бўлади.

Шунингдек, махсус субъектлар таркиби ҳам кенгайтирилди. Жумладан жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими, илгари Жиноят Кодексининг 119, 121, 128 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахслар алоҳида қаттиқроқ жазоланади.

Шу ўринда рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, номусга тегиш билан боғлиқ жиноятлар статистикаси қуйидагича намоён бўлади: 2025 йилда 230 та, 2024 йилда номусга тегиш билан боғлиқ ҳолатлар жами 272 тани ташкил қилган. 2023 йилда эса бу кўрсаткич 234

тага тенг бўлган. Рақамларга қарайдиган бўлсак, 2022 йилда 170 та, 2021 йилда эса 160 та номусга тегиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилганлигини кўришимиз мумкин [4].

Демак, айтиш мумкинки, жинсий эркинлик ва жинсий дахлсизликни ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликдаги 2023 йилда бўлиб ўтган муҳим ўзгаришларга қарамай, ушбу нормаларни, жумладан, номусга тегиш учун жавобгарликни белгилаш, уларнинг самарадорлигини ошириш муаммоси ҳамон долзарб.

Глобаллашув жараёнида хорижий давлатлар қонунчилигини ўрганиш ҳам миллий жиноят қонунчилигини такомиллаштириш йўлидаги муҳим бўғин ҳисобланади.

Голландия Жиноят кодекси XIV бўлимида — жамоат ахлоқига қарши жиноятлар туркумида жинсий жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилади [5]. Голландия Жиноят кодексининг 242-моддасига кўра, "номусга тегиш" атамаси кенгрок маънода қўлланилади ва бошқа шахс билан жинсий йўл билан алоқа қилишни ёки ўз жинсий алоқа қилишга бўйсундиришга мажбур қилувчи зўравонлик ҳаракати ёки зўравонлик таҳдиди ёки бошқа турли таҳдидни ўз ичига олади. Бундан келиб чиқадики, Голландия Жиноят кодексига кўра нафақат зўрлик ишлатиб жинсий алоқа қилиш, балки зўрлик ишлатиш таҳдиди ҳам номусга тегиш жиноят таркибини ташкил қилади. Қизиғи, нафақат зўрлик ёки уни ишлатиш таҳдиди, балки бошқа ҳаракатлар билан таҳдид ҳам кўрсатилган. Бунда номусга тегиш умумий жиноят таркиби ҳисобланиб, унда иккала жинсдаги шахслар ҳам жинсий алоқа ва "жинсий йўл билан танага киришни ўз ичига олган ёки ўз ичига олмаган" жинсий тусдаги ҳаракатлар учун жавобгар бўлади.

Голландия Жиноят кодексининг 243-моддаси — бу ҳушидан кетган ёки жисмонан қаршилик кўрсатишга қодир бўлмаган ёки руҳий носоғломлик ёки руҳий касалликка чалинган шахснинг номусига тегиш белгиларини ўз ичига олган махсус норма бўлиб, у ўз иродасини ифода этишга ёки қаршилик кўрсатишга қодир эмас жабрланувчиларга тегишли, яъни бу ерда сўз жабрланувчининг (унинг) ожиз ҳолатидан фойдаланган ҳолда номусга тегиш ҳақида кетмоқда.

Голландия Жиноят кодексининг 244-моддасида ўн икки ёшга тўлмаган шахснинг танасига жинсий йўл билан киришни ўз ичига олган ёки ўз ичига олмаган ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Жиноят кодексига мавжуд бўлган номусга тегишнинг барча турлари Голландия Жиноят кодексига ҳам мавжудлигини таъкидлаш мумкин [6].

Голландия Жиноят кодекси жамоат учун хавфлилик нуктаи назаридан вояга етган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, уни ишлатиш билан таҳдид қилиш ёки бошқа ҳаракатлар билан жинсий йўл билан танага киришни ўз ичига олган ёки ўз ичига олмаган ҳаракатлар, ўн икки ёшга тўлмаган вояга етмаганларга нисбатан зўрлик ишлатиш, уни ишлатиш билан таҳдид қилиш ёки бошқа ҳаракатларсиз содир этилган худди шундай ҳаракатлар ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки бешинчи тоифадаги жарима билан жазоланади.

Ўзбекистон Жиноят кодексига кўра, вояга етмаган шахс номусига тегиш (118-модданинг 3-қисмига кўра — ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади ва ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш ва бошқа жинсий тусдаги ҳаракатлар учун жазоларда жиддий фарқлар мавжуд (118-модданинг 4-қисмига кўра, ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган) [7].

Бу жиноятлар шикоят бўйича даъво муддати ичида кўзгатилади. Бу ҳолда гап жинсий йўл билан танага киришни ўз ичига олган ёки ўз ичига олмаган одобсиз ҳаракатлар ҳақида боради. Кейинги моддалар фақат одобсиз ҳаракатларни ифодалайди. ЖКнинг 246-моддасида зўрлик ёки зўрлик ишлатиш таҳдиди ёки бошқа ҳаракат билан таҳдид қилиш орқали бошқа шахсни ахлоқсиз ҳаракатларни содир этишга ёки уларга бўйсундиришга мажбур қилган шахс учун жавобгарлик кўзда тутилган.

У ахлоқсиз ҳужумда айбдор деб топилади ва саккиз йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бешинчи тоифадаги жаримага тортилади.

ЖК 247-моддасида жабрланувчи сифатида ҳушидан кетган ёки жисмонан қаршилик кўрсатишга ёки иродасини ифода этишга ёки қаршилик кўрсатишга қодир бўлмаган шахс, шунингдек, ўн олти ёшга тўлмаган, айбдор билан турмуш қурмаган ёки бундай ҳаракатларни

содир этишга ёки уларга бўйсунтишга мойил бўлган, учинчи шахс билан турмуш қурмаган шахс тан олинади. Бундай ҳолларда жазо олти йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бешинчи тоифадаги жарима ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, Голландия Жиноят кодексига кўра, вояга етмаганлар билан ахлоқсиз ҳаракатлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Жиноят кодексига (129-модда) нисбатан батафсилроқ тартибга солинган. Голландия Жиноят кодексининг 249 ва 250-моддаларида вояга етмаганларга нисбатан қуйидаги беҳаё хатти-ҳаракатлар содир этган шахслар кўрсатилган: ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, репетиторлар, вояга етмаганлар ўқитиш ёки назорат қилиш учун ишониб топширилган шахслар, давлат хизматчиси, директор, шифокор, ўқитувчи, назоратчи, қамоқхона ходими, давлат ислоҳот муассасаси, болаларни васийлик ва ҳимоя қилиш бўйича масъул давлат агентлиги, болалар уйи, касалхона ёки хайрия муассасаси, соғлиқни сақлаш ёки ижтимоий соҳада ишлайдиган шахслар.

Жиноятчиларни бундай алоҳида махсус субъект сифатида ажратиш бизнинг миллий қонунчилигимиз эътиборига лойиқ ва бизнинг нуқтаи назаримиздан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини кўпроқ ҳимоя қилишга ҳисса қўшишида яхши намуна бўлиши мумкин.

Испания Жиноят кодексига бешта бобдан иборат XIII бўлим “Жинсий эркинликка қарши жиноятлар”ни ўз ичига олади: “Жинсий тажовуз тўғрисида”, “Жинсий зўрлик тўғрисида”, “Жинсий характерга эга қурбонлик қилиш”, “Фоҳишабозлик билан боғлиқ жиноятлар” [8]. Испания Жиноят кодексига номусга тегиш тушунчаси “жинсий тажовуз” атамаси билан алмаштирилмаган, бу атама бошқа шахснинг жинсий эркинлигига зўрлик ёки кўрқитиш орқали тажовуз қилишни ҳам ўз ичига олади, бу ўз-ўзидан ушбу жиноятнинг жиноят таркибини ташкил қилади ва (ЖК 178-модда) бир йилдан тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар жинсий тажовуз оғиз ёки анал тешик орқали жинсий алоқадан иборат бўлса, у олти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЖК 179-моддаси). Демак, Испания қонун чиқарувчиси ҳам, Голландия қонун чиқарувчиси ҳам ушбу жиноят қурбонларининг жинсини фарқламайди ва шунингдек, миллий Жиноят кодекси 118-моддасида назарда тутилган табиий жинсий алоқа билан чекланмасдан, алоқани кенг талқин қилади, бунда аёл шахс жабрланувчи деб тан олинади.

ЖК 180-моддасига мувофиқ, ЖК 178-моддасида назарда тутилган қилмиш содир этилган ҳолларда жазо муддати сезиларли даражада оширилади (тўрт йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш).

Шунингдек, ЖК 179-моддасида қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда қилмиш учун жазо ўн икки йилдан ўн беш йилгача муддатга тайинланади:

1. Агар зўрлик ёки кўрқитиш ўта таҳқирловчи ёки ҳақоратли хусусиятга эга бўлса;
2. Агар қилмиш гуруҳ бўлиб фаолият юритаётган уч ёки ундан ортиқ шахс томонидан содир этилган бўлса;
3. Агар жабрланувчи ўта заиф бўлса, унинг ёши, касаллиги, мавқеини ҳисобга олган ҳолда;
4. Агар жиноят қариндош ёки ака-ука (опа-сингил) томонидан қариндошлик ришталаридан фойдаланиб содир этилган бўлса;
5. Агар айбдор ўлимга ёки бирон бир жиддий тан жароҳати етказишга олиб келиши мумкин бўлган ўта хавфли воситалардан фойдаланса.

Агар юқорида кўрсатилган икки ёки ундан ортиқ ҳолатлар мавжуд бўлса, жазо санкциянинг юқори чегарасига яқинроқ қўлланилади.

Испания Жиноят кодексига жинсий зўрлик каби тушунча алоҳида кўрсатилган. Унинг версияси — бу оғиз ёки анал тешик орқали жинсий алоқа, бунда зўрлик кўрқитишсиз, жабрланувчининг розилигисиз ёки айбдорнинг аниқ устунлиги остида жабрланувчининг эркинлигини чеклаган ҳолда олинган розилик билан жинсий алоқа. Хуллас, жинсий зўрлик остида қуйидаги жабрланувчиларнинг розилигисиз содир этилган ҳаракатлар тан олинади:

1. Ўн икки ёшга тўлмаган шахслар;

2. Ақлан носоғлом шахсларга ёки уларнинг руҳий бузуклигидан фойдаланиб (ЖК 181, 182-моддалар) [9].

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Жиноят кодекси 128-моддасида ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан унинг розилиги билан ёки ёки мулккий ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш орқали содир этилган жинсий алоқа учун жавобгарлик назарда тутилганидан фаркли, Испания Жиноят кодексига ўн икки ёшдан катта, ammo ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан худди шундай ҳаракатлар учун жинсий жавобгарлик назарда тутилган, бироқ фақат жиноят алдаш орқали содир қилинган бўлса (ЖК 183-модда).

Шу билан бирга, Голландия, Испания Жиноят кодексларига кўра, вояга етмаган шахснинг энг кичик ёши 12 ёшни ташкил этади. Жабрланувчининг жинсий эркинлигига тажовуз қилувчи жинсий зўрлик каби ҳаракатлар билан бир қаторда, Испания Жиноят кодексининг 185-моддасида фақат ўн олти ёшга тўлмаган ёки руҳий касалликларга чалинган шахсларга нисбатан қўлланиладиган одобсиз бузук ҳаракатлари ҳақида айтилган.

Германия Жиноят кодексининг XIII бўлими "Жинсий ўзини ўзи англаб етишга қарши жинсий ҳаракатлар"ни назарда тутди [10], бунда жинсий ҳаракатлар, жинсий мажбурлаш ва номусга тегиш жиноятлари ажратилади. ЖК 2-бўлими 177-бандига мувофиқ номусга тегиш зўрлик ёки таҳдид билан ёки ҳаёт ва соғлиқ учун реал хавф остида ёки жабрланувчи ҳимоясиз қолдирилган вазиятдан фойдаланиб жинсий алоқа қилиш деб тан олинади. Шунга ўхшаш ҳаракатлар, қоида тариқасида, ўта оғир жиноятлар туркумига киради ва камида икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Шуни таъкидлаш керакки, Жиноят кодексининг 118-моддаси номусга тегишни тор маънода тушунади, уни жабрланувчини зўрлик ишлатиб, кўрkitиб ёки ожизлигидан фойдаланиб жинсий алоқа қилиш билан чеклайди.

Жинсий зўрлик билан номусга тегишнинг квалификация қилувчи ҳолатлари сифатида Германия Жиноят кодекси қуйидагиларни ажратиб кўрсатади: жиноятчининг қурол ва бошқа хавфли нарсаларга эга бўлиши; жабрланувчининг қаршилигини енгиш учун бошқа нарсалар ва воситаларнинг мавжудлиги; оғир тан жароҳати етказиш таҳдидининг мавжудлиги. Шунга ўхшаш ҳаракатлар камида уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар жиноятчи шахс бирон бир ҳаракатни содир этишда қурол ёки бошқа хавфли нарсадан фойдаланса ёки жабрланувчига оғир тан жароҳати етказса ёки жабрланувчини ўлим хавфи остига қўйса — камида беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЖК 178-моддасида жинсий алоқага мажбурлаш орқали номусга тегишнинг жабрланувчининг ўлимига олиб келган ҳолати алоҳида кўрсатилган. Бунда жазо анча оғирроқ — умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки камида ўн йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш.

Ўзбекистон Жиноят кодексига кўра, номусга тегиш оғир оқибатларга олиб келган бўлса (жабрланувчининг ўлимига ёки оғир тан жароҳати етказишга, ОИВ инфекциясига ёки бошқа оғир оқибатларга), ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Шунингдек, жабрланувчи ўн тўрт ёшга тўлмаган бўлса, ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Германия Жиноят кодексига жинсий зўрлик ишлатиш ёки номусга тегишдан иборат бўлмаган жинсий тусдаги ҳаракатларни квалификация қилишда айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятига катта эътибор берилади. ЖК 174-моддасида шахсларнинг васийлик остидагиларга (таълим, ўқитиш ёки ижтимоий ёрдам учун ишониб топширилган ўн олти ёшга тўлмаган шахслар) нисбатан жинсий ҳаракатлари учун жинсий жавобгарлиги, шунингдек, айбдорга таълим, ўқитиш ёки ижтимоий ёрдам учун ишониб топширилган ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ёки унинг хизматида ёки ишида бўлган ёки асраб (боқиб) олинган ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан қилмишлар учун жинсий жавобгарлигини белгилайди. ЖК 174-моддасида маъмурий жавобгарликка тортилган маҳбусларга ёки касалхонада ётганларга ёки ёрдамга муҳтожларга нисбатан жинсий ҳаракатлар учун жинсий жавобгарлик белгиланади. ЖК 174-моддаси мансабдор шахснинг ўз лавозимидан фойдаланиши билан боғлиқ жинсий ҳаракатларни ўз ичига олган жиноят таркибини белгилайди.

Шу каби, ЖК 174с-моддаси маслаҳат, даволаш ва хизмат кўрсатиш учун қариндошлардан фойдаланиш билан боғлиқ жиноий жазоланадиган жинсий ҳаракатлар белгиларини жорий этади. Учта алоҳида параграфда (176, 176а, 176б-§) болаларга (ўн тўрт ёшгача) нисбатан жинсий ҳаракатларни ажратиб кўрсатилади.

Хуллас, жинсий ҳаракатлар жабрланувчининг (унинг) танасига кириш билан боғлиқ ҳаракатлар сифатида тушунилади. Жинсий мажбурлашнинг йўқлиги уларни номусга тегишдан ажратиб турадиган ягона хусусиятдир.

Германия ЖК 179-моддаси қаршилик кўрсатишга қодир бўлмаган шахсларга нисбатан жинсий ҳаракатлар учун жавобгарликни белгилайди. ЖК 180-моддасига мувофиқ ўн олти ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг жинсий ҳаракатларида иштирок этганлик учун жавобгарликни белгилайди.

Юқорида кўриб чиқилганларга асосланиб, Голландия, Испания ва Германия жиноят кодексларида Ўзбекистон Жиноят кодексидagi каби номусга тегиш учун жавобгарлик мавжуд деган хулосага келиш мумкин. Дунёнинг кўплаб бошқа мамлакатлари Жиноят кодексларида ҳам худди шундай нормалар бор. Бироқ, баъзи Жиноят кодексларида жабрланувчиларни жинсга ажратмасдан, барча турдаги, шу жумладан ғайритабиий жинсий муносабатларга кириш, шу жумладан турли хил буюмлардан фойдаланишни бирлаштирган ҳолда, жиноятнинг ягона таркиби шакллантирилган. Ушбу ҳаракатлар учун жавобгарлик фақат қисман миллий Жиноят кодекси 118, 119-моддаларида кўзда тутилган. Бундан ташқари, ушбу Жиноят кодексларида жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатмасдан жинсий алоқага киришни ўз ичига олган ёки ўз ичига олмаган барча ҳаракатлар учун жавобгарлик кўзда тутилган, Ўзбекистон Жиноят кодексидa эса бу ҳаракатлар асосан, гомосексуализм ва лесбиянлик билан чекланган (Жиноят кодексининг 119-моддаси). Шу билан бирга, юқорида санаб ўтилган барча Жиноят кодексларига жиноятнинг ижтимоий хавфлилигига таъсир қилувчи айбдор ва жабрланувчи ўртасидagi ўзаро муносабатларни ҳисобга олиш одатий ҳолдир.

Хулоса

Юқорида айтиб ўтилганлар Ўзбекистон Жиноят кодексидa номусга тегиш жиноятининг анъанавий ва тўлақонли таркиби мавжудлигини тан олишга имкон беради. Аммо уни такомиллаштириш устида ишлаш талаб этилади. Хусусан, Голландия, Испания, Германия каби дунёнинг кўплаб мамлакатлари Жиноят кодексларида амал қиладиган нормалар мажмуидa номусга тегиш учун ахлоқни тузатувчи жазоларни белгилашни ҳисобга олиш мумкин. 128-моддада ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан жинсий йўл билан алоқага кириш билан боғлиқ барча зўрлик ишлатилмайдиган жинсий тусдаги ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни назарда тутиш зарур. Тарих ва амалиёт билан тасдиқланганидек, қонун чиқарувчининг ёндашуви, биринчи навбатда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлайди. Вояга етмаганларга қаратилган барча жинсий тусдаги жиноятлар учун жиноий жавобгарликни белгилашда жабрланувчининг айбдор билан қариндошлиги ва бошқа ҳар қандай қарамлигига қараб ажратиш муҳим ҳисобланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. А.Алланова. Номусга тегиш жинояти учун жавобгарлик масаласи // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. Issue – 6 № 5 (2025) / ISSN 2181-1415 (A. Allanova. Nomusga tegish zhinoyati uchun zhavobgarlik masalasi // Zhamiyat va innovationalar – Society and innovations – Society and innovations. Issue – 6 No. 5 (2025) / ISSN 2181-1415)
2. Заварыкин И.Н. История возникновения и развития российского и зарубежного уголовного законодательства об ответственности за изнасилование, а также его роль в защите прав женщин на половую неприкосновенность и половую свободу // Вестник Томского гос. ун-та. 2019. № 12. С. 66-74. (Zavarykin I.N. The history of the emergence and development of Russian and foreign criminal legislation on liability for rape, as well as its role in protecting women's

- rights to sexual inviolability and sexual freedom // Bulletin of Tomsk State University. 2019. No. 12. pp. 66-74)
3. Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2023 йилдаги ЎРҚ-829-сон Қонуни // <https://lex.uz/ru/docs/6430272?ONDATE=12.04.2023%2000#6430827> (Law of the Republic of Uzbekistan No. ZURQ-829 of 11.04.2023)
 4. <https://stat.sud.uz/criminal>
 5. Уголовный кодекс Голландии // Науч. ред. Б. В. Волженкин; Пер. с англ. И. В. Мироновой. — 2. изд. — СПб. : Юрид. центр Пресс, 2001. — 509 с. : 15 см — (Законодательство зарубежных стран / ЗЗС; Ассоц. Юрид. центр); ISBN 5-94201-002-1. (Criminal Code of the Netherlands // Scientific ed. B. V. Volzhenkin; Trans. from English. I. V. Mironova. - 2nd ed. - St. Petersburg: Legal Center Press, 2001. - 509 p.: 15 cm - (Legislation of foreign countries / ZZS; Assoc. Legal Center).; ISBN 5-94201-002-1)
 6. Чагина А.А. Уголовно-правовое понятие изнасилования: зарубежный опыт и российская действительность // Молодой ученый. 2018. № 44. С. 194-196. (Chagina A.A. Criminal-legal concept of rape: foreign experience and Russian reality // Young scientist. 2018. No. 44. P. 194-196.)
 7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <https://lex.uz/ru/docs/111453#240507> (Criminal Code of the Republic of Uzbekistan)
 8. <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/1324>
 9. Арзамасцев М.В. Сравнительно-правовой обзор зарубежных моделей криминализации отклоняющихся форм сексуального поведения // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2018. № 6. С. 134—141. (Arzamastsev M.V. Comparative legal review of foreign models of criminalization of deviant forms of sexual behavior // Journal of Foreign Legislation and Comparative Law. 2018. No. 6. P. 134-141.)
 10. Уголовный кодекс ФРГ // URL: [http:// okpravo.ru/zarubezhnoe-pravo/](http://okpravo.ru/zarubezhnoe-pravo/) (Дата обращения: 11.08.2023). (Criminal Code of the Federal Republic of Germany // URL: [http:// okpravo.ru/zarubezhnoe-pravo/](http://okpravo.ru/zarubezhnoe-pravo/) (Accessed: 11.08.2023)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.